

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЕМИРОВ ШЕРАЛИ АБДИХАЛИЛОВИЧ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ОРОНИМЛАРИНИНГ
ЛИСОНИЙ ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 494.3:413.13:809(575.141)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Темиров Шерали Абдихалилович

Самарқанд вилояти оронимларининг лисоний тадқиқи 3

Темиров Шерали Абдихалилович

Лингвистическое исследование оронимов Самаркандской области 25

Temirov Sherali Abdikhalilovich

Linguistic research of oronyms of Samarkand region 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 50

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЕМИРОВ ШЕРАЛИ АБДИХАЛИЛОВИЧ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ОРОНИМЛАРИНИНГ
ЛИСОНИЙ ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.1.PhD/Fil20 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг samdu.uz ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Улуқов Носиржон Муҳаммадалиевич**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Маматов Абдуғафур Эшонқулович**
филология фанлари доктори

Жабборов Хўжамурод
филология фанлари доктори

Етакчи илмий муассаса: **Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил __ __ соат __ да мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ __ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги __ -рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Муҳиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

А.Б.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

А.Э.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон илм-фанида топонимлар тилшунослик, география, тарих, этнография, социология, лингвокультурология фанлари томонидан муҳим, ноёб, бой тарихий, миллий-маданий, ижтимоий ахборотлар ташувчи лисоний бирлик сифатида эътироф этилган. Ономастика, хусусан, топонимика соҳасида топонимларнинг полисоним, комоним, гидроним, агроним каби турларининг луғавий-маъновий, номланиш, ясалиш ва тузилиш хусусиятлари кенг ўрганилган ва юксак тажриба тўпланган. Бугунги глобаллашув, фанлар интеграцияси топонимик бирликларнинг барча типларини тўплаш ва уларни номинацион-мотивацион, этимологик, структурал, ареал, қиёсий, қиёсий-тарихий, типологик-таснифий, социолингвистик, лингвокультурологик аспектларда кўриб чиқишни ономастиканинг долзарб ва асосий вазифасига айлантирди.

Дунёда ҳозирга келиб халқаро ва миллий туризм, хусусан, экотуризм ривожини, такомилни топонимикада кам ўрганилган макро ва микротопонимик кўлам бирликларини, жумладан, *тоғ, доvon, тизма, чўққи, қоя, адир, зов, тепа, газа, қир, тош* каби оронимик кўлам бирликларининг атоқли номларини тарихий ва замонавий аспектларда тадқиқ этиш вазифасини қўймоқда. Оронимларнинг тадқиқи тилнинг ва унинг топонимик, жумладан, оронимик тизимининг тараққиёти ҳамда лисоний такомилни, оронимларнинг бошқа топонимик бирликлар билан муносабатини, улар мансуб ҳудуд диалекти, географияси, тарихи, этнографияси, геодезияси, флора ва фаунаси, тоғ туризмига хос табиати ва бошқа имкониятларини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам илмий-назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга, бироқ ўзбек топонимикасида оронимлар махсус тўпланмаган, монографик тадқиқ этилмаган.

Бугунги кунда ўзбек тили топонимикаси, жумладан, оронимикаси олдига Ўзбекистон Республикасининг тил, хусусан, топонимик сиёсатини изчил, мукамал амалга оширишга йўналтирилган, замонавий тараққиёт тамойиллари ва тилшуносликнинг замонавий илмий парадигмаларига асосланган янги тадқиқотлар яратиш вазифаси қўйилмоқда. «Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга – янги, юксак марралар сари борамиз»¹. Бу тилшуносликнинг барча йўналишларига ҳам тегишли бўлиб, ономастика соҳасида ҳам тадқиқотлар олиб боришни талаб этади. Самарқанд вилояти оронимларининг лексик-семантик, номинацион-мотивацион, этимологик, деривацион хусусиятларини тадқиқ этиш ва таснифлаш ҳамда тавсифлаш, шу асосида ўзбек топонимикасининг оронимик кўламга доир илмий-назарий қарашлар ва амалий талқинлар билан бойитиш шундай вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил, 29 декабрь.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 304-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги «Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 571-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, Т.Нафасовларнинг Ўзбекистон топонимиясига доир тадқиқотларидаги айрим макрооронимлар таҳлилини, жумладан, Самарқанд вилояти топонимиясига оид Б.Ўринбоев, Т.Раҳматов, Н.Бегалиев, А.Туробов, С.Бўриевларнинг тадқиқотларида² баъзи орообъектларга берилган изоҳларни эътиборга олмаганда, ўзбек тили оронимлари махсус тўпланмаган ва ўрганилмаган. Ўзбек топонимикасида оронимияга доир монографик тадқиқотлар яратилмаган. Шуларни эътиборга олганда, ўзбек тили оронимларини атоқли отларнинг ўзига хос тизими сифатида ўрганиш, оронимика соҳасининг илмий-назарий муаммоларини белгилаш ономастиканинг долзарб вазифаларидан биридир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг «Ўзбек тили бирликларининг функционал прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон

² Қаранг. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965. – 83 б.; Караев С. Топонимия Ўзбекистана (социолингвистические аспекты). – Ташкент, 1991.; Qorayev S. Toponimika. – Toshkent: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006. – 320 b. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2005. – 240 б.; Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – 290 б.; Ўринбоев Б. Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳи. – Самарқанд, 1997. – 202 б.; Ўринбоев Б. Асрлардек барҳаёт номлар. – Самарқанд: Зарафшон, 2003. – 264 б.; Раҳматов Т. Топонимия города Самарканда и его окрестностей. АКД. – М., 1973. – С. 22; Раҳматов Т. Фелъ топонимларининг ясашиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. – №5. – Б.52-55.; Бегалиев Н. Самарқанд вилояти гидронимлари (лисоний таҳлил): Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 25 б.; Бегалиев Н. Самарқанд топонимияси. – Самарқанд, 2011. – 128 б.; Туробов А. Самарқанд вилояти этноонимларининг таҳлили: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 22 б.; Бўриев С. Ургут тумани микротопонимларининг лексик-семантик таҳлили: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 23 б.

аспектда)» мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оронимиканинг назарий масалаларини ёритиш, оронимлар ономастик кўламига мансуб бирликларни белгилаш, Самарқанд вилояти оронимларини лисоний тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оронимлар таркибига кирадиган объект номларини ва уларнинг ўзига хос ономастик хусусиятларини аниқлаш;

оронимика соҳаси ўрганадиган илмий-назарий муаммолар ва амалий масалалар кўламини ҳамда тилшуносликнинг турли соҳа, бўлимлари билан алоқасини ёритиш;

оронимик материалнинг тилшунослик фанида тадқиқ қилиниш даражасини аниқлаш ҳамда ўзбек ономастикасининг бу соҳага оид муаммоларини белгилаш;

оронимик индикаторларнинг адабий ва лаҳжавий вариантларига хос луғавий-маъновий, функционал хусусиятларини ўрганиш ҳамда илмий умумлаштириш;

оронимларнинг пайдо бўлиши, шаклланишининг лисоний ва нолисоний омилларини ҳамда оронимик номинация тамойилларини ўрганиш;

оронимларнинг луғавий-маъновий, этимологик таҳлил қилиш, морфемик таркиби ва ясалиш хусусиятларини тадқиқ этиш;

оронимларнинг бошқа топоним турлари билан лисоний муносабатини изоҳлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тарихий, географик асарлар, табиий-географик хариталар, энциклопедик, топонимик луғатлардан ҳамда диалектологик экспедициялар жараёнида тўпланган Самарқанд вилоятининг 1400 га яқин оронимик бирликлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Самарқанд вилояти оронимларининг номинацион-мотивацион, луғавий-маъновий хусусиятлари, тузилиш ва ясалиш моделлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда лингвистик тавсифлаш, номинацион-мотивацион, луғавий-маъновий, қиёсий-тарихий, этимологик, структурал, ареал, типологик-таснифий, социолингвистик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оронимлар табиат ва жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги асосида юзага келувчи, орографик объектларни ифодаловчи ономастик бирлик эканлиги ҳамда география, тарих, ўлкашунослик соҳалар билан алоқадорлик жиҳатлари асосланган;

оронимик объектлар номинацияси билан боғлиқ табиий-географик, тарихий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий мотивлар очиб берилган;

маҳаллий лаҳжа ва шеваларга хос оронимик кўрсаткичларнинг ном яшаш вазифаси, қўшма ва мураккаб таркибли оронимларнинг шаклланишидаги деривацион, функционал-семантик ўрни ҳамда фонетик, лексик вариантлари аниқланган;

Самарқанд вилоятининг Ургут, Нуробод, Каттақўрғон ва Қўшрабoт туманлари оронимларининг лингвогеографик харитаси тузилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

оронимия бўйича тўпланган материаллар, қўйилган муаммоларни тадқиқ этиш натижасида чиқарилган хулоса ва умумлаштирилган фикрлар ҳозирги ўзбек тилшунослиги, хусусан, ономастикаси учун энг муҳим зарурий, илмий маълумот бериши, ўзбек тили ономастикаси бўйича тадқиқотлар олиб боришда манба бўлиб хизмат қилиши, лексикология, ономастика, диалектология каби филологик ҳамда география фанларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам беради.

тадқиқот давомида олиб борилган топонимик экспедициялар натижасида тўпланган материаллар асосида “Самарқанд вилояти оронимлари луғати”ни тузиш учун лингвистик база яратилган;

оронимларни тартибга солиш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқилган ва уларни амалиётга татбиқ этиш тамойиллари белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилга тортилган материаллар ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда, хулосалар қилиш имконини берганлиги, асослилиги, методологик мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий аҳамияти ўзбек тили ономастикасини оронимик кўлам, оронимик бирликлар ҳақидаги илмий қарашлар орқали бойиши билан белгиланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти ундаги материаллар, натижа ва хулосалар ономастика, география фанларини ўқитишда, ўзбек тили ономастикаси, лексикологияси бўйича дарсликлар, методик қўлланмалар ёзишда, ўзбек тилининг миллий ва географик энциклопедик луғатларини бойитишда, бакалаврият ва магистратура таълим йўналишларида махсус курс, махсус семинарлар ўтишда манба ва материал вазифасини бажариши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилидаги оронимларни тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тоғ ва унинг қисмларини ифодаловчи атоқли номларнинг ясаиш хусусияти, оронимларнинг таркиб топиш усули ва модели, оддий сўз ясаиши билан атоқли отлар ясаишига хос фарқли жиҳатларни ёритишга оид хулосалардан ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 31 майдаги 89-03-2132-сон маълумотномаси). Натижада атоқли отлар деривацияси билан боғлиқ атоқли отларнинг ясаиш усуллари, моделлари, ономастик конверсия, трансонимизация каби терминларга доир изоҳлар ва таҳлиллар мукамаллашган;

диссертация материаллари асосида тузилган Самарқанд вилоятининг Ургут, Нуробод, Каттақўрғон, Қўшрабoт туманлари оронимиясининг лингвогеографик харитасидан А-13-9 рақамли «Зарафшон водийсининг

рекреация, туристик ва экология карталарини тузиш» номли лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 июндаги 89-03-2483-сон маълумотномаси). Натижада Самарқанд вилояти табиий-географик оронимик харитасини янги материаллар асосида мукамаллаштиришга эришилган.

оронимик бирликларнинг лисоний тадқиқига доир материаллардан Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясининг «Жавондаги жавоҳир» кўрсатуви ҳамда вилоят радиосининг «Самарқанд садоси» эшиттириши сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясининг 2018 йил 11 октябрдаги 09-02-460-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув ва эшиттиришлар маърифий ва амалий жиҳатдан бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 164 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

«Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оронимиканинг назарий масалалари**» деб номланган биринчи боби уч бўлимдан иборат. Бобнинг «**Оронимик кўлам ва оронимика соҳаси**» номли биринчи бўлимида ўзбек тили оронимик кўлами, унга мансуб оронимик бирликлар ва оронимика соҳаси ҳақида фикр юритилган.

Ўзбек тили топонимиясида орографик объектларнинг атоқли отлари ҳам алоҳида семантик гуруҳни ташкил этади. Топонимикага оид илмий манбаларда оронимлар турлича қайд этилади. С.Каримов, С.Бўриевлар оронимларни «тоғларнинг номлари» деб изоҳлайди ва бу гуруҳга чўққилар, тепалар, қирлар, довонлар, даралар, жарларнинг номларини ҳам киритиш

мумкинлигини айтади³. Т.Эназаров соҳага доир терминларни қуйидагича изоҳлайди: «Ороним – баланд, пастликлар, тоғ, тепалар номи. Оронимия – баланд, пастликлар, тоғ ва тепаларнинг номлари йиғиндиси. Оронимика – баланд, пастликлар, тоғ, тепалар номларини ўрганувчи бўлим»⁴. С.Қораев: «Ороним (oros – тоғ, opoma – ном, исм) – тоғлар, тепаликлар, қирлар, сойликлар, даралар ва бошқа орографик объектларнинг номлари», – деб ёзади⁵. Бошқа ўринда топонимист: «Оронимларга тоғу тошларгина эмас, балки рельефнинг салбий шакллари – водийлар, даралар, жарликлар, сойликлар, ўйиқ-ўйпоқлар, шунингдек, текислик, паст текисликлар ва қумликлар ҳам киради», – деб кўрсатади⁶. З.Дўсимов, М.Тиллаевалар ороним терминига «рельеф типлари ва шакллари (ер юзасидан баландлик ва чуқурлик) номи» деган изоҳ беришган⁷. Ороним термини Э.Бегматов, Н.Улуқовларнинг терминологик луғатида мукамалроқ изоҳланган: «Ороним (юн.oros – тоғ + opoma – атоқли от) – ер юзаси рельефидан бўртиб, кўтарилиб чиққан ҳар қандай баланд жойлар (тоғ, қир, тепа, чўққи, довон ва бошқалар) атоқли оти»⁸. Илмий талқинларни умумлаштирган ҳолда ороним терминини қуйидагича изоҳлаш мумкин: оронимлар тоғлар, тоғ тизмалари, қирлар, довонлар, тепалар, тепаликлар, қоялар, чўққилар, тошлар, адирликлар ва тоғликларда жойлашган бошқа хил физикавий-географик ўринларни ифодаловчи орографик объектларнинг атоқли отлари.

Самарқанд вилояти оронимияси бой ва хилма-хил. Худуд бўйича тўпланган қуйидаги оронимик бирликлар сираси ҳам буни тасдиқлайди: тоғ номлари – 218 та, тизма номлари – 20 та, чўққи номлари – 53 та, қоя номлари – 9 та, довон номлари – 30 та, тош номлари – 69 та, дара номлари – 17 та, зов номлари – 9 та, газа номлари – 19 та, супа номлари – 4 та, учма номлари – 1 та, тумшук номлари – 2 та, тепа номлари – 763 та, қир номлари – 57 та, адир номлари – 69 та каби. Далиллардан ҳам кўринадики, оронимлар тушунчаси ономастик нуқтаи назаридан кенг қамровга эга.

Ўзбек тилшунослигидаги топонимикага оид илмий манбаларда оронимика соҳаси ўрганадиган масалалар кўлами аниқ белгиланмаган ва кўрсатилмаган. Илмий манбаларда бу масалага доир қуйидаги изоҳларгина кузатилади: «Оронимика – топонимиканинг маълум бир тил ё регион оронимлари мажмуини ўрганадиган бўлими»⁹. С.Қораев бу терминга қуйидагича изоҳ беради: «Оронимика – топонимиканинг оронимларни вужудга келиши, тараққиёт қонунларини ва амал қилишини ўрганадиган кичик бўлими»¹⁰. Э.Бегматов ва Н.Улуқовлар эса оронимикага

³ Қаранг. Каримов С.А., Бўриев С.Н. Ўзбек топонимикаси тараққиёт босқичида. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.44.

⁴ Эназаров Т. Номшунослик масалалари. – Тошкент, 2010. – Б.78.

⁵ Қораев С. Географик номлар маъноси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978. – Б.193.

⁶ Qarang. Qorayev S. Toponimika. – Toshkent: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2006. – B.66.

⁷ Дўсимов З., Тиллаева М. Топонимика асослари. – Тошкент, 2002. – Б.82.

⁸ Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б.63.

⁹ Дўсимов З., Тиллаева М. Топонимика асослари. – Тошкент, 2002. – Б.82.

¹⁰ Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2005. – Б.217.

«Топонимиканинг оронимларни пайдо бўлиши ва вазифавий хусусиятларини ўрганувчи тармоғи» деб изоҳ берадилар¹¹.

Оронимлар муайян бир хил типдаги орообъектларни яккалаб аташ орқали уни бошқа шундай объектлардан фарқлаш каби номинацион вазифаларни бажаради ҳамда ўзида қимматли тарихий, ижтимоий-сиёсий, табиий-географик маълумотларни ташиши билан характерланади. Ўзбек тили оронимларнинг қадимийлиги, турғунлиги, яшовчанлиги, ўзида турли тарихий-географик ахборотларни мужассам этганлиги ушбу ономастик бирликларни тарих, география, археология, ўлкашунослик, тилшунослик каби фанлар томонидан ўрганишни тақозо этади.

Бобнинг иккинчи бўлимида «**Самарқанд вилояти оронимиясининг тарихий манбалари**» ёритилган. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Абу Тоҳирхожанинг «Самария» асарлари Самарқанд вилояти оронимларини ўрганишда ноёб тарихий манбалардир. Чунончи, Бобурнинг «Бобурнома» асарида *Шовдор тоғи, Кўҳак, Оҳанин, Итмак довони, Илон ўтди* дараси каби Самарқанд вилояти оронимларига изоҳлар берилган.

Абу Тоҳирхожа қаламига мансуб «Самария» асарнинг бешинчи ва еттинчи бобларида Самарқанд оронимлари: тоғ ва ғорлари таърифу тавсиф этилган¹². «Самария»да *Кўҳак* ороними алоҳида тилга олинади: «**Кўҳак тоғи Самарқанд шаҳри ва Зарафшон дарёси орасида, шаҳарнинг шимолий томонидадир** (ҳозир Чўпон ота тоғи дейилади). *Ушбу тоғда дарахтлар ва булоқлар бор. Кўклам палласида ушбу тоғда ва унинг яқинидаги боғларда лолайи, раънойи, қизил ва кўк бунафша кўкаради. Ганж кони ҳам ушбу тоғда топилади. Кумуш, мис ва қўрғошин кони бор бўлса ҳам, кирими чиқимида етишмайди деганлар*»¹³.

Юқоридаги таҳлил ва изоҳлардан кўринадики, Самарқанд вилояти оронимияси бўйича ҳозирга қадар йирик лингвистик илмий тадқиқотлар яратилмаган бўлса-да, мазкур ҳудуд оронимлари маълум даражада ўрганилган.

Бобнинг учинчи бўлими «**Оронимлар тадқиқи ва оронимиканинг долзарб вазифалари**» деб номланган. Ономастикада оронимика топонимика-нинг алоҳида соҳаси сифатида 1960-1970 йилларда илмий йўналиш сифатида шаклланди. Тожикистон оронимияси Б.А.Алборов, А.З.Розенфельдлар томонидан ўрганилган¹⁴. Россияда оронимларнинг монографик тадқиқини илк бор О.Т.Молчанова бошлаб берди¹⁵. 1969 йилда

¹¹ Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б.63.

¹² Абу Тоҳирхожа. Самария. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 206 б.

¹³ Абу Тоҳирхожа. Ўша асар, – Б.122.

¹⁴ Алборов Б.А. Одно из древних мест поселения предков осетины Средней Азии по данным топонимики, гидронимики и оронимики // 5-ая межвузовская конференция по иранской филологии (тезисы докладов). – Душанбе, 1966. – С.133-139; Розенфельд А.З. Оронимы Юго-восточного Таджикистана // Душанбе, 1966. – С.133-139.

¹⁵ Молчанова О.Т. Гидронимы и оронимы Горно-Алтайской автономной области (лингвистический анализ): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Томск, 1968. – 22 с.; Молчанова О.Т. Географические термины горной части Алтая // Языки и топонимия Сибири. – Томск, 1970. – С. 15.

эса оронимикага доир илк илмий мақолалар тўплами нашр этилди. Тўпламга Ёкутистон, Тожикистон, Эрон ва Қрим оронимияси ва туркий, фин-угор, славян тиллари орографик терминологиясига доир мақолалар киритилган¹⁶. Туркологияда кўпроқ гидроним ва оронимларнинг монографик тадқиқи кўшиб олиб борилди. 1980 йилларда Е.А.Керамбаевнинг Қозоғистон оронимларининг лексик-семантик типологияси¹⁷, В.И.Исрофилованинг Грузиядаги озарбайжон тили ороним ва гидронимлари¹⁸, Р.Д.Сунчугашевнинг Хакасия оронимиясига доир диссертациялари¹⁹ юзага келди.

Н.А.Ласынова Жануби-Шарқий Бошқирдистон оронимияси бўйича илк лингвистик тадқиқот яратди²⁰, бироқ унинг оронимларга ҳар қандай ер ости объектлари номлари – спелеонимларни киритишига қўшилиб бўлмади. Спелеоним (юн. *snleo* – ғор + *онопа* – атоқли от) – ер остида жойлашган, ер устига чиқиш йўлига эга бўлган ҳар қандай объектлар (ғорлар, ер ости дарёлари, булоқлар, шаршаралар, кўллар, қудуқлар ва шу кабилар)нинг атоқли оти²¹. Демак, спелеонимлар гидронимик кўлам сирасига киради.

Қалмиқ Республикаси оронимияси Н.А.Кичикова²², Мўғулистон оронимиясига доир айрим масалалар А.С.Кривощекова-Гатман, М.Н.Мельхеев, Е.В.Сундуеваларнинг топонимияга доир тадқиқотларида ўрганилган²³. П.Энхжаргал ранг-тус компонентли мўғул ва япон тиллари ороним ва гидронимларини типологик жиҳатдан монографик тадқиқ этган²⁴. О.В.Петешова Калининград области оронимларни тарихий-лингвистик жиҳатдан таҳлил қилган²⁵. Олтойдаги рус оронимлари номинацион аспектда Т.В.Чернышова томонидан ўрганилган²⁶. Е.В.Цветкова Кострома ороним-

¹⁶ Оронимика. Сб. Статей / Ред. Коллегия В.Д. Беленькая и др. – Москва: ЦЫИИГАИК, 1969. – 71 с.

¹⁷ Керамбаев Е.А. Лексико-семантическая типология оронимов Казахстана: Дис. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1988. – 195 с.

¹⁸ Исрофилова В.И. Азербайджано язычные оронимы и гидронимы Грузинской ССР: Дис. ... канд. филол. наук. – Баку, 1989. – 146 с.

¹⁹ Сунчугашев Р.Д. Оронимия Хакасии: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1999. – 23 с.

²⁰ Ласынова Н. А.Оронимия Юго-Восточного Башкортостана (Лингвистический анализ): Дис. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2004. – 174 с.

²¹ Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б.70.

²² Кичикова Н.А. Заметки к изучению оронимии Республики Калмыкия // Известия ВГПУ. – Волгоград, 2010. – С.110-114.

²³ Кривощекова-Гатман А.С. Структурные типы топонимов Коми-Пермяцкого происхождения в Верхнем Прикамье // Ономастика. Типология. Стратиграфия: сб.ст. – Москва, 1988. – С.34-35; Мельхеев М.Н. Топонимика Бурятии. История, система и происхождение географических названий. – Улан-Удэ, 1969; Сундуева Е.В. Числительные в составе монгольских топонимов // Культура народов Сибири: традиции в современность. – Улан-Удэ, 2002. – С.176-181.

²⁴ Энхжаргал П. Типологическое исследование оронимов и гидронимов с компонентом цветообозначений в японском и монгольском языках: Дис. ... канд. филол. наук / Монгольский государственный университет. – Улан-Батор, 2005. – 124 с.

²⁵ Петешова О.В. Историко-лингвистический анализ оронимики Калининградской области // Вестник Балтийского федерального университета им. И.Канта. Сер.: Филология, педагогика, психология, 2016. – № 3. – С. 44-49.

²⁶ Чернышова Т. В. Русская оронимия Алтая в аспекте номинации. Автореф. кан. филол. наук. – Томск, 1988. – 17 с.

ларини Кострома этномаданий бирлиги сифатида тадқиқ этади²⁷. Бу тадқиқотлар оронимиканинг мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланишига асос бўлди.

Ўзбек тилшунослигида оронимлар тадқиқи борасида Ҳ.Ҳасановнинг алоҳида ўрни ва хизматлари бор. Олимнинг «Ўрта Осиё жой номлари тарихидан» рисоласида оронимлар таҳлилига ҳам ўрин ажратилган²⁸. С.Қораев Самарқанд вилоятига мансуб *Айрибел, Бешбармоқ, Ғўбдинтов, Жалқир, Мирҳайдар, Миртоғ, Чолтош, Туроптов, Чамбар, Чизатойтоғ, Қизбиби* каби оронимларни таҳлил қилган ва «Ўзбекистон оронимияси» номли мақола ёзган²⁹. Ў.А.Орипов Нурота топонимининг этимологиясини ҳамда *тоғ, чўққи, қир, тена, зор, дара* оронимик индикаторлари асосида ҳосил қилинган оронимларни тадқиқ этган³⁰. Тарих йўналишида Ш.С.Камолиддин Ўрта Осиё қадимги туркий топонимиясига доир тадқиқотида оронимларга ҳам муайян ўрин ажратган³¹. Қ.Хуррамов оронимик терминларни тадқиқ этган³². О.Бегимов Жанубий Ўзбекистон оронимларини тарихий жиҳатдан ўрганган³³.

Рус тилшунослиги, туркология, жумладан, ўзбек тилшунослигидаги оронимикага доир тадқиқотлар таҳлилидан кўринадики, Бошқирдистон, Тоғли Олтой, Хакасия, Қозоғистон оронимлари монографик ўрганилган бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси оронимияси айрим мақолаларни, топонимик лексикографиядаги изоҳ, таҳлилларни эътиборга олмаганда, монографик тадқиқ этилмаган, ҳатто ҳудудлар бўйича оронимия материаллари тўпланмаган, мукамал оронимик хариталар ҳамда оронимик луғатлар тузилмаган.

Ўзбекистондаги ислоҳотлар ва янгиланишлар янги босқичга кирган бугунги кунда республиканинг Тошкент, Наманган, Фарғона, Андижон, Жиззах вилоятлари оронимлари ва оронимик индикаторларини тўплаш, картотекасини тузиш, тилшуносликнинг лингвогеография, семиотика, семантика, социоллингвистика, прагматлингвистика, деривация каби соҳа ва йўналишлари ҳамда география, тарих, этнология, туризм фанлари аспектида тадқиқ этиш, оронимларнинг имловий, изоҳли луғатларини тузиш ўзбек ономастикасини долзарб вазифаларидир.

²⁷ Цветкова Е.В. Костромская оронимия как отражение особенностей костромской этнокультурной зоны / Вестник Костромского государственного университета им. Н.А. Некрасова. – 2009. – Т.15. – №3. – С.181-185.

²⁸ Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: Фан, 1963. – Б.19-21.

²⁹ Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – Б.207.

³⁰ Орипов Ў.А. Нурота тумани макро- ва микропонимиясининг лисоний таҳлили: Тошкент, 2003. – 22 б.; Орипов Ў. Нурота топонимининг этимологияси // Жой номлари – халқ тили ва маданиятининг нодир мероси. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Навоий, 1998. – Б.58-59.

³¹ Камолиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. – Ташкент: Шарқ, 2006. – С.39-44.

³² Хуррамов Қ. Оронимлар ва орографик терминлар муносабати // Ономастика Ўзбекистана. Тезиси республиканский конференции. – Ташкент, 1989. – Б. 91-92.; Хуррамов Қ., Боймуродов Н. Лексеми Ўр, Ора и узбекская топонимия // Азербайжан ономастикасы проблемалари. – Баку, 1990. – С. 255-256.

³³ Бегимов О. Жанубий Ўзбекистон оронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. – Тошкент: Voris-nashriyoti, 2018. – 226 б.

Диссертациянинг иккинчи боби «Самарқанд вилояти оронимларининг лексик-семантик хусусиятлари» деб номланган. Бобнинг «Самарқанд вилояти оронимларининг лексик-семантик таснифи» номли биринчи бўлими оронимларнинг лексик-семантик таҳлилига бағишланган.

Ўзбек ономастикасида топонимлар таснифи масаласига бағишланган бир қатор мақолалар ёзилган³⁴. Топонимикага доир барча диссертацияларда топоним ва унинг турлари тасниф қилинган. Натижада топонимларнинг лисоний таснифига доир турли назарий қарашлар ва амалий талқинлар юзага келди.

Ўзбек топонимикасида топонимлар таснифининг қуйидаги турлари кузатилади: 1. Луғавий-маъновий тасниф. 2. Хронологик тасниф. 3. Грамматик (структурал-типологик) тасниф.

Туркий топонимлар таснифига оид илк изланишлар О.Т.Молчанова тадқиқотида кузатилади. Т.Нафасов, З.Дўсимов, Л.Каримова, Н.Охунов, Н.Улуқовларнинг тадқиқотларида ўзбек тили топонимларининг анчайин мукамал луғавий-маъновий таснифи берилган³⁵.

Бизнингча, рус тилшунослиги, туркийшунослик, жумладан, ўзбек тилшунослигидаги топонимларнинг лисоний таснифига доир тадқиқотларга ижодий ёндашган ҳолда, оронимларни луғавий-маъновий хусусиятларига кўра дастлаб қуйидаги икки турга бўлиш мумкин:

1. Табиий-географик оронимлар. 2. Ижтимоий-иқтисодий оронимлар.

Табиий-географик оронимлар. Аҳоли манзилларини номлашда ҳудуднинг табиий-географик хусусиятлари бирламчи ва етакчи мотив ҳисобланади. Топонимлар пайдо бўлишида биринчи ва энг кенг тарқалган мотивация аҳоли маскани жойлашган ҳудуднинг табиий-географик хусусиятини эътиборга олинишидир. Бунда жойнинг табиий-географик белги-хусусиятини ифодаловчи тушунчаларнинг аниқлиги ва индивидуаллашуви юз беради.

Табиий-географик оронимлар ўз ичида бир нечта гуруҳларга бўлинади:

1. Объектнинг ранг-тус белгиси билан боғлиқ оронимлар: *Кўкмайдон* (тоғ – Ургут т.), *Қизилкамар* (тоғ – Каттақўрғон т.), *Қоратена* (тоғ – Ургут, Каттақўрғон ва Қўшработ т.), *Қоратов/Қоратог* (тоғ – Қўшработ ва Пахтачи т.), *Оқтов/Оқтоғ* (тоғ – Иштихон, Каттақўрғон ва Қўшработ т.) каби.

³⁴ Бегматов Э., Наимов С. О классификация топонимов // Тюркское языкознание, 1985. – С.375-379; Абдурахмонов Д. Бешкент район топонимикаси // Ўзбек шевалари лексикаси. – Тошкент, 1964. – Б.382-401; Юсунов К. Айрим топонимлар масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1966. – № 1. – Б.16; Қодирова Ш. Тошкент микропонимиясининг номланиш принципларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1966. – № 6. – Б.38-40; Дўсимов З. Топонимлар таснифи масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1978. – № 1. – Б.17-20.

³⁵ Каранг. Молчанова О.Т. Гидронимы и оронимы Горно-Алтайской автономной области (лингвистический анализ): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Томск, 1968. – 22 с.; Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области: Автореф.дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1968. – С. 19-21; Дўсимов З. Топонимлар таснифи масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1978. – № 1. – Б.17-20; Каримова Л. Топонимы северозубекских говоров: Автореф.дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971. – С. 13; Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1989. – 56 б.; Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2008. – 192 б.

2. Объектнинг ҳажм хусусияти билан боғлиқ оронимлар: *Каттадара* (тоғ – Каттакўрғон т.), *Каттақир* (тоғ – Қўшработ т.), *Калтақўл* (тоғ – Ургут т.) каби.

3. Ташқи кўриниши ва шаклий тузилиши асосида номланган оронимлар: *Айрибел* (тоғ – Нуробод т.), *Айриқоя* (тоғ ва қоя – Ургут т.), *Жалпоқ/Ялпоқ* (тоғ – Қўшработ т.), *Жалпоқтов/Ялпоқтоғ* (тоғ – Каттакўрғон т.) каби.

4. Фитооронимлар – ўсимлик ва дарахт номлари билан аталган орообъектлар: *Арчали* (тоғ – Каттакўрғон т.), *Гужум / Ғужум* (тоғ – Қўшработ т.), *Ёнғоқлик* (тоғ – Ургут т.), *Зирабулоқ* (тоғ – Нарпай т.), *Пиёзли* (тоғ – Нуробод т.) каби.

5. Зоооронимлар – ҳайвон, парранда ва бошқа жонзотларнинг номлари билан аталган орообъектлар: *Алқортена* (Булунгур т.), *Кийикқайнар* (Қўшработ т.), *Қарчигай тоғи* (Қўшработ т.), *Айғиртена* (Жомбой т.), *Бўритош* (Нуробод т.) каби.

6. Метафорик оронимлар. Метафора – нарса, белги ёки ҳаракатга хос атаманинг (сўзнинг) ўзаро ўхшашлиги бўлган бошқа нарса, белги, ҳаракат ҳақидаги тушунча учун ҳам қўлланиши, шу тушунчанинг номига ўтиши (айланиши)дир³⁶.

Орообъектларни метафорик номланишида кўпроқ апеллятивларнинг атоқли отга ўтиши кузатилади: *Қоровултуя*, *Дастортош*, *Букритош*, *Тегирмонтош*, *Эгарттош*, *Қурбақатош*, *Қозонтош* (Нуробод т.) каби.

Ижтимоий-иқтисодий оронимлар. Топонимларни кузатиш орқали бирор ҳудудда яшаган этник гуруҳнинг ўтмишда ўтроқ ёки кўчманчи ҳаёт кечирганлигини ҳам билиб олиш мумкин. Илмий тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўтроқ ва кўчманчи халқлар жойларга ном беришда фарқланар экан. Бордию, аҳоли ўтроқ бўлса, жойни табиий-географик хусусиятига қараб номлар экан, аксинча, аҳоли кўчманчи бўлса, жойни ўз уруғ ва қабиаларининг номи билан аташар экан³⁷.

Этнооронимлар. Уруғ, қабила, миллат, халқ номлари (этнонимлар) асосида шаклланган орографик объектларнинг атоқли номлари этнооронимлардир. Масалан, *Туркманқир* (қир – Нуробод т.), *Чигатойтоғ* (тоғ – Пахтачи т.), *Найман* (чўққи – Ургут т.), *Баҳринтена*, *Наймантена* (тена – Иштихон т.) каби.

Антропооронимлар – киши номлари, лақаблари, тахаллуслари, фамилияларидан ясалган орообъект номлари: *Сатторчўққи* (чўққи – Ургут т.), *Ҳасанчарви* (чўққи – Иштихон т.), *Сафияучган* (қоя – Ургут т.), *Авазтена* (тена – Жомбой т.).

Агиоороним ва некрооронимлар. Муқаддас деб ҳисобланувчи нарсалар, объектлар, шахсларнинг атоқли оти агионимлар (агио – муқаддас + онома – атоқли от); мазорлар, қабристонлар ва мана шу типдаги муқаддас қадамжойларнинг атоқли номлари некронимлардир³⁸. Агионим ва

³⁶ Жамоа. Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1985. – Б.21.

³⁷ Бегматов Э. Жой номлари – маънавият кўзгуси. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.7.

³⁸ Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б.11.

некронимлардан ҳосил бўлган аҳоли манзилларининг номлари агиооронимлар, некрооронимлар деб юритилади. Масалан, *Авлиёмомо* (тепа – Тойлоқ т.), *Авлиётена* (тепа – Иштихон ва Ургут т.), *Пайғамбарсуна* (супа – Ургут т.), *Азизлар* (тепа – Каттақўрғон т.) каби.

Геортооронимлар. Маълум давр, аср, йил, сана, анжуман, йиғин, жанг, кўзғолон, байрам, санъат ва спорт фестиваллари каби тарихий воқеа-ҳодисалар, даврлар, босқичларнинг махсус атоқли номлари хрононим (юн. *χρονος* – хронос – вақт, муддат + *ονομα* – атоқли от)лар³⁹ дан ҳосил бўлган орообъект номлари хронооронимлардир. Геортонимлар хрононимларнинг бир тури сифатида байрам ва турли тантана, фестивалларнинг атоқли отидир. Бундай номлар асосида ҳосил қилинган орообъект номлари геортооронимлардир. Масалан, *Наврўзтепа* (тепа – Нуробод т.).

Аҳолининг касб-кори, ҳунарига нисбат бериш асосида шаклланган оронимлар. Масалан, *Заргар* (тоғ – Қўшработ т.), *Қароқчитоғ* (тоғ – Пайариқ т.), *Заргартепа* (тепа – Иштихон т.), *Қароқчитена* (тепа – Ургут т.), *Қассоб* (тепа – Оқдарё т.).

Бобнинг «**Оронимлар ва топонимлар муносабати**» номли иккинчи бўлимида оронимларнинг антропоним, этноним, ойконим, гидроним ва бошқа ономастика соҳалари билан алоқадорлиги ҳақида сўз боради. Атоқли отдан атоқли от ҳосил бўлиши ономастик терминологияга оид луғатларда конверсия ва трансонимизация деб кўрсатилади⁴⁰. Кўринадики, айнан бир тил ҳодисасига нисбатан икки хил термин қўлланади. Н.Улуқовнинг фикрича, турдош отлардан ҳеч қандай ўзгаришсиз атоқли отлар: топонимлар, жумладан, гидронимлар, антропонимлар, зоонимлар, фитонимлар ҳосил бўлишига нисбатан конверсия, бир атоқли отдан бошқа атоқли от ҳосил бўлишига нисбатан трансонимизация терминини қўллаш мақсадга мувофиқ⁴¹. Демак, трансонимизация – бирор тип атоқли отнинг бошқа тип атоқли отга ўтиши. Атоқли отларнинг трансонимизациялашув кўлами ва камрови анча кенг бўлиб, атоқли отларнинг барча типлари (антропоним, топоним, зооним, космоним)да кузатилади.

Самарқанд вилояти оронимиясида ҳам трансонимизация фаолдир. Худуд оронимиясида трансонимизация асосида қуйидаги атоқли от турларидан оронимлар ҳосил қилиниши кузатилади:

1. Антропоним (кишиларнинг исми, фамилияси, ота исми, лақаби) компонентли оронимлар: *Самандар* (тепа – Каттақўрғон т.), *Маҳмудтоғ* (тоғ – Нуробод т.) каби.

2. Этноним (миллат, уруғ, қабила номлари) компонентли оронимлар: *Туркманқир* (қир – Нуробод т.), *Баҳринтепа* (тепа – Ургут т.), *Чизатой* (тепалик – Тойлоқ т.), *Мангит* (тепа – Иштихон т.) каби.

³⁹ Бегматов Э., Улуқов Н. Ўша луғат, – Б.91.

⁴⁰ Каранг. Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – Москва: Наука, 1978. – С. 152-153.

⁴¹ Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент, 2010. – Б.162.

Оронимлар трансонимизациясига кўра *тоғ, тена* ва бошқа орографик объектлар номи бошқа жой номига ўтади. Бунда ороним ойконимга, хоронимга, урбонимга ва бошқа топоним турларига ўтиши кузатилади. Оронимлар асосида юзага келган топонимлар оротопонимлар деб аталади. Одатда, оротопонимларнинг юзага келишининг бир қатор лисоний ва нолисоний сабаблари бор:

1. Номланаётган жойдаги орографик объект номининг кейинчалик ўша ерда шаклланган, бунёд этилган бошқа объектлар номига ўтиши.

2. Жойларни номлашда шу ҳудуднинг табиий жиҳатдан характерловчи орографик объект номининг мотив қилиб олинганлиги.

Ном кўчиши туркий тиллар топонимиясининг энг муҳим экстралингвистик хусусиятларидан бири, чунки ном кўчириш ижтимоий эҳтиёж маҳсулидир. Бу ҳодисани апеллятив лексикадаги бир туркумга мансуб лексема ўрнида бошқа туркумга оид лексема қўллаш билан тенг лисоний, нолисоний ҳодиса билан тенглаштириш мумкин эмас.

Трансонимизация юз берадиган лисоний ва нолисоний воқеликнинг натижаси ва заруратига қуйидагича изоҳ бериш мумкин: 1) ономастик универсаллик қонуниятининг турли талаб ва эҳтиёжлари амалий воқеликка айланади; 2) бир типга ва турга хос номнинг бошқа бир тип ва турга мансуб номга айланиш имконияти реал воқеликка айланади; 3) тилда ёки маълум ҳудуд аҳолиси нутқида тайёр, амалдаги ном бошқа тур номга айланиб, номловчиларнинг янгидан номлашга бўлган лисоний эҳтиёжи, нолисоний талаби қондирилади; 4) янги объектни номлаш учун номловчи объектнинг табиий белгилар оламини ўрганиб чиқиш талабидан халос бўлади; 5) тайёр номнинг полифункционаллиги (кўп вазифавийлиги) намоён бўлади, тайёр ном янги хусусиятларга эга бўлади.

Самарқанд вилояти оронимиясига хос трансонимизация материаллари оронимлар топонимларнинг барча турларига ва гуруҳларига ўтиш имкониятига эга эканлигини тўла тасдиқлайди.

Бобнинг «**Айрим оронимларнинг этимологик ва номинацион-мотивацион таҳлили**» номли учинчи бўлимида *Шовдор, Эгизтена//Эгизактена, Гужум, Знак, Ўртабўз, Тахтақорача, Кўмиртена, Отўлди, Оҳалик, Бузқли, Ялоқтена, Ястена, Ўртачим, Эгриқўл, Қозонтош, Наврўзтена, Келитош, Хуржунқўтон, Бозортош, Бўрилик, Ғаровчўққи, Зарангтош, Букритош, Дастортош, Эгарттош, Қурбақатош, Пангат, Ажсинакамар, Кўштена, Обтоватош, Холиёрсуна* каби оронимларнинг этимологик ва номинацион-мотивацион таҳлили берилган.

Самарқанд вилояти ҳудудида жойлашган оронимлар сирасида *эгиз* лексемали жой номлари анчагина. Бундай оронимлар тоғ ва тоғнинг ички қисмларида эмас, балки кўпроқ адир воҳаларида учрайди.

Эгизтена // Эгизактена (Оқдарё, Ургут т.) оронимларининг морфем таркиби икки қисмдан: объектнинг табиий хусусиятларини билдирувчи *эгиз // эгизак* ва *тена* оронимик индикаторидан иборат. Оронимнинг биринчи компоненти *эгиз, эгизак* лексемаси ономастикада ижтимоий номинатив, маъновий ва фарқловчи вазифа бажарган. *Эгиз, эгизак* лексемаларининг

ҳозирги ўзбек тилидаги маънолари сирасида географик термин, яъни ер юзасида тик кўлами билан фарқланадиган баландлик, ёнма-ён ёки бир-бирига туташ, бир хил тикликда ва ҳажмдаги баландлик маъноси мавжудлиги аниқланган⁴². Бироқ географияга оид луғатлар ва бошқа адабиётларда бу лексеманинг географик терминлик маъноси ва вазифаси, оронимлар таркибида учраши, ҳосил қилиши, орообъектнинг белгисини билдириши қайд этилмаган⁴³. Этимологик луғатларда умумтуркий лексик бирлик сифатида туркий тилларда *эгиз* лексемасининг *egis / eguc / ägiz / eguc / egüs / igiz / ugez / e:c / iäs* каби фонетик вариантлари мавжудлиги қайд этилган⁴⁴. Қадимги туркий ёзма ёдгорликларда, жумладан, қадимги уйғур тили матнларида, эски ўзбек тили битикларида ҳам бу лексема кузатилади⁴⁵.

Гужум – Қўшработ туманида тоғ номи. Фақат асосдан иборат. Тоғ шох-шаббалари зич ва қалин бўлиб, салқин соя берадиган сада қайрағочлар кўп бўлганлиги учун шундай аталган. Изоҳли луғатда *гужум* сўзига *сада қайрағоч* деб изоҳ берилган⁴⁶. Бизнингча, *сада* ва *қайрағоч* бошқа-бошқа дарахтлар. Сада – *эманлар оиласига мансуб сершоҳ, серсоя дарахт*⁴⁷. Қайрағоч – *ёғочи қаттиқ, шохлари тигиз жойлашган, барги майда ва тўқ рангли, қалин соя берадиган, сувсизликка чидамли дарахт*⁴⁸. Маҳаллий аҳоли нутқида оронимнинг *Гужум* варианты ҳам кузатилади. Ўзбек тилида *гужум* сўзи қуйидаги маъноларда қўлланади: 1) узум донаси ва унинг шингили; 2) шв. Гуж, тўп⁴⁹.

Фикримизча, оронимнинг тўғри шакли *Гужум*. *Гужум* оронимнинг бузилган пароним шакли. Демак, *Гужум* фитооронимлар гуруҳига мансуб бўлиб, *қайрағочлари, гужумлари кўп тоғ, гужумли, қайрағочли тоғ* деган оронимик маънога эга.

Худудий оронимларнинг диахрон ва синхрон тадқиқи шуни кўрсатдики, оронимлар микротизими ўзи мансуб ҳудуд аҳолисининг узоқ даврлик тарихий тараққиёти, маданияти, тафаккури, табиатга муносабатининг инъикоси сифатида шаклланган, ривожланган ва халқнинг лисоний ва нолисоний эҳтиёжини қондирган. Оронимларнинг шаклланиш ва ривожланиш даврини маълум бир давр билан боғлаш мумкин эмас, улар узоқ асрлик тараққиёт маҳсули, шу боис улар лексик-семантик, ясаиш жиҳатидан ойконимлар ва гидронимлар билан бир умумий яхлит микротизимни ташкил этади.

⁴² Қаранг. Нафасов Т. Қашқадарё кишлоқномаси. – Тошкент: Мухаррир, 2009. – Б.331.

⁴³ Қораев С., Фуломов П., Раҳимбеков Р. Географик терминлар ва тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 156 б.

⁴⁴ Қаранг. Севортян Э.В. Этимологический словарь (Общeturкские и межтуркские основы на гласные). – М.: Наука, 1974. – С. 224

⁴⁵ Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. 1. – СПб., 1893. – С.702, 870; Будагов Л.З. Словарь турецко-татарских наречий, т.1. – СПб., 1869. – С.72, 73, 202.

⁴⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-ж. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б.516.

⁴⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-ж. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б. 417.

⁴⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-ж. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б.216.

⁴⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-ж. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б.458.

Диссертациянинг учинчи боби «Самарқанд вилояти оронимларининг структурал-типологик ва оронимик индикаторларнинг деривацион хусусиятлари» деб номланган. Бобнинг «Оронимларнинг структурал-типологик таҳлили» номли биринчи бўлимида оронимларнинг тузилишга кўра турлари, моделлари ёритилган.

